



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2026
1-сон



SERVIS

ILMIY-AMALIY JURNAL 2026 yil, 1-soni

Muassis: Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2008 yil 31 dekabrda
0561-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

O‘zR OAK Riyosatining 19.03.2017 y., 239/5-sonli qarori bilan e‘tirof etilgan

Tahririyat a‘zolari:

Mas‘ul kotib:

i.f.d., prof. M.Q.Pardaev

Muharrirlar:

i.f.d., dotsent F.A.Safarov
PhD, dotsent I.M.Pardaeva
PhD, I.Sh.Ernazarova

Texnik muharrir:

katta o‘qituvchi F.O.O‘roqov

Korrektor:

PhD, dotsent v.b.
T.I.Yahyoyev

Sahifalovchi:

PhD, dotsent v.b.
H.N.Ochilova

1 yilda 4 marotaba
chop etiladi.

**O‘zbekiston hududida
tarqatiladi.**

Tahririyat manzili:

140100, Samarqand shahar,
Amir Temur ko‘chasi, 9-uy,

tel.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

faks: +998(366)231-12-53
el.pochta:

samisiservis@mail.ru

Tahrir hay‘ati raisi:

M.E.Po‘latov – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti rektori,
i.f.d., professor

Tahrir hay‘ati raisi o‘rinbosari:

M.Q.Pardayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Tahrir hay‘ati a‘zolari:

M.M.Muxammedov – SamISI professori, iqtisod fanlari
doktori

D.R.Zaynalov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

O.M.Murtazayev – TDIUSF direktori, iqtisod fanlari doktori,
professor

M.R.Boltabayev – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

R.X.Ergashev – QarMII professori, iqtisod fanlari doktori

B.K.G‘oibnazarov – iqtisod fanlari doktori, professor

I.S.To‘xliyev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

K.B.Urazov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Q.J.Mirzayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

B.I.Isroilov – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

G.M.Shodiyeva – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

S.N.Toshnazarov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

R.N.Normaxmatov – SamISI professori, texnika fanlari doktori

A.Bektemirov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

O.M.Pardayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

M.T.Alimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Z.Dj.Adilova – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

Sh.O.Quvondiqov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

L.N.Xalikova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

F.A.Safarov – SamISI dotsenti, iqtisod fanlari doktori

A.M.Karimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

I.B.Mattiyev – SamISI professori, pedagogika fanlari doktori

B.F.Boronov – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

A.N.Xoliqulov – SamISI professori, iqtisod fanlari nomzodi

X.A.Raximov – SamISI dotsenti, PhD

S.A.Babanazarova – SamISI dotsenti, PhD

H.N.Ochilova – SamISI dotsenti v.b., PhD

I.R.Berdikulova – SamISI dotsenti v.b., PhD

A.Q.G‘apparov – SamISI dotsenti v.b., PhD

MUNDARIJA:

NAZARIYA VA METODOLOGIYA	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусова Пардаева Янги Ўзбекистоннинг бойлиги инсон ресурслари билан ўлчанади	5
Сарвар Аюбовна Исхакова Ўзбекистонда хизматлар соҳасини модернизация ва диверсификация қилишнинг асосий йўналишлари	13
Anvar Nematovich Xoliqulov Servis sifati tushunchasining nazariy talqini	18
Зухриддин Санжар ўғли Рашидов Корхона самарадорлигини оширишни меҳнат ресурслари ҳаракати билан боғланишининг ўзига хос хусусиятлари	21
Mexrangiz Axtam qizi Mullayeva Xizmat ko‘rsatish sohasida faoliyat yurituvchi korxonalarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning ustuvor yo‘nalishlari	25
SANOAT VA QISHLOQ XO‘JALIGI	
Фарида Абдухалимовна Ахмеджанова Роль эстетических показателей тканей в формировании потребительских и эксплуатационных свойств изделий	31
Рузбой Нормакматов, Акрам Гафуров, Баҳора Тўлкинова В ₁ - витамин (тиамин): ва унинг инсон соғлигини сақлашдаги аҳамияти	34
Junaydillo Sadiyevich Fayziyev Atrof-muhitga chiqarilayotgan sut zardobi tarkibidagi zardob oqsillari miqdorini kamaytirish texnologiyasi	37
Ro‘ziboy Normaxmatov, Zakirjon Erkinovich Mamarasulov, Ravshan Pirmatov Askorbin kislotasi (C vitamini) va uning ahamiyati	41
TADBIRKORLIK, MEHNAT, BANDLIK VA KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH	
Феруз Нематуллаевич Абилов Худудларда камбағалликни қисқартиришнинг инновацион йўналишлари	44
XIZMAT KO‘RSATISH VA SERVIS	
Обид Мамаюнусович Пардаев Коммунал хизматларни ривожлантиришнинг маъмурий-бошқарув ва инфратузилмавий институтционал асосларини такомиллаштириш	50
Акмал Алимжонович Салимов Ривожланган мамлакатларнинг олий таълим хизматлари сифатини ошириш тажрибаларидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари	56
Firuz Kurbanovna Achilova Mintaqada xizmatlar sektorining rivojlanishining zamonaviy modellari	61
Нажмиддин Раҳматуллаевич Абдувоҳидов Хизмат кўрсатиш соҳасида сохта иқтисодиётнинг айрим кўринишлари ва уни бартараф этишнинг амалий йўналишлари	66
Xusnora Dilmurod qizi Umarova Orolbo‘yi mintaqasida xizmat ko‘rsatish sohasini innovatsion boshqarishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish	71
Jahongir Aktamovich Haydarov Logistikada transport xizmatlari raqobatbardoshligini baholashning kompleks yondashuvlari	75

NAZARIYA VA METODOLOGIYA

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

Озода Мамаюнусова Пардаева – Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети Самарқанд филиалида кафедра мудири, доцент, PhD.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЙЛИГИ ИНСОН РЕСУРСЛАРИ БИЛАН ЎЛЧАНАДИ

Аннотация. Мақолада Янги Ўзбекистоннинг бойлиги – унинг инсон ресурслари билан ўлчаниши билан боғлиқ масалалар ёритилган. Бунда инсон ресурсларининг таърифи келтирилган. Инсон кадрини кадрлаш учун, унинг кадрини кўтариш кераклиги асосланган. Бунинг олтига йўналиши берилган. Буларга таълим, соғлиқни сақлаш, инсон ресурслари билан меҳнат бозори ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш, инновация ва рақамли иқтисодиётга мос инсон ресурсларини шакллантириш, инсон ресурсларини такомиллаштириш орқали ижтимоий тараққиётга эришиш, инсон ресурсларининг ривожланишида маънавий ва маданий тараққиётнинг ўрни киради. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий тавсиялар ҳам берилган..

Калит сўзлар: инсон, инсон ресурслари, таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат бозори, инновация ва рақамли иқтисодиёт, ижтимоий тараққиёт, маънавий ва маданий тараққиёт, олий ўқув юртлири, фан, инновацион лойиҳалар.

Кириш. Бугунги кунда Янги Ўзбекистоннинг тараққиётини таъминлашда асосий куч бу инсон ресурслари бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли мамлакатнинг бойлиги инсон ресурслари билан ўлчанади, деган мавзунини кўйдик. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2025 йил 26 декабрдаги Мурожаатномасида “Юртимиздаги қулай бизнес муҳити, демографик ўсиш, инсон капиталига берилаётган эътибор - Ўзбекистонни инвесторлар учун энг жозибадор мамлакатлардан бирига айлантirmoқда”¹, деб таъкидлади. Чунки Ўзбекистоннинг келажаги инсон ресурслари ва ундан самарали фойдаланиш билан боғлиқ. Табиий ресурслар чекланган, аммо билимли, соғлом ва ижодкор инсонлар - чекланмас бойликдир. Шу туфайли фақат инсон ресурсларини ривожлантириш ва такомиллаштириш орқали Ўзбекистонни рақобатбардош, инновацион ва адолатли жамиятга айлантirmoқ мумкин. Инсон ресурслари жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи. Шу туфайли уни ривожлантирмасдан туриб иқтисодиётни ҳам, сиёсатни ҳам, маданиятни ҳам тўлақонли тараққий эттириб бўлмайди. Буни инобатга олиб Президентимиз ўзининг мурожаатномасида “Сўнгги тўққиз йилда биз сизлар билан, эл-юртимиз билан биргаликда катта тараққиёт йулини босиб ўтдик. Эҳнг муҳими, ислохотларимиз самарасини ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон ва ҳар бир инсон кундалик ҳаётида хис килмоқда”², деб таъкидлагани бежиз эмас албатта. Кўриниб турибдики, ушбу мавзу бугунги кунда ўта долзарб масалалар ечимига бағишланган.

Тадқиқот методологияси. Мақолада Янги Ўзбекистоннинг бойлиги – унинг инсон ресурслари билан ўлчанади йўналишларини қараб чиқиш жараёнида индукция ва дедукция, макон ва замон, миқдор ва сифат, мантиқий иқтисодий ва статистик методлар билан боғлиқ усул ва услублардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Янги Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларидан бири илм-фаннинг ривожланишига катта аҳамият берилаётганлиги билан аҳамиятлидир. Шу йилларда олий ўқув юртлирида асосий эътибор илмий салоҳиятни оширишга қаратилмоқда. Шу туфайли илм-фанга давлат инвестициялари мунтазам равишда оширилмоқда. Булар илмий муассасалар ва лабораторияларни модернизация қилишга, ёш олимлар учун грантлар, стипендиялар ва имтиёзларни кенгайтиришга йўналтирилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2025 йил 26 декабрь.// “Zarafshon” газетаси.25 йил 27 декабрь. – 147-148 сон.

² Ўша жойда.

Таълим тизимида илмий салоҳиятнинг ошиш билан бирга, таълим соҳасини ишлаб чиқариш билан ҳам интеграция қилиш жараёнларини тезлаштириш лозимлиги ҳам қайд этилмоқда ва бу амалга оширилмоқда. Чунки, университетлар ҳузурида илмий-тадқиқот марказлари, илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш бўйича корхоналар билан ҳамкорликда инновацион лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш ишларига киришилди.

Яна бир муҳим жиҳат, ҳозирги пайтда аксарият олий ўқув ютлари халқаро ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Илғор хорижий университетлар ва марказлар билан қўшма таълим ва тадқиқотлар олиб борилмоқда. Охириги пайтларда олимларнинг халқаро грантлар ва лойиҳаларда иштироки ҳам кўпайди., улар ўртасида илмий алмашинув ва стажировкалар ҳам йўлга қўйилган ва бу жараён кундан-кунга кенгайиб бормоқда.

Таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш билан бирга, уларни яратишга ҳам киришилди. Хусусан, сунъий интеллект, биотехнология, нанотехнология каби соҳаларга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ушбу соҳаларда талабаларни тайёрлаш жараёни ҳам бошланди. Ҳозир турли стартаплар ва технопарклар орқали илмни тижоратлаштириш масаласи ҳам йўлга қўйилдики, бу ҳар томонлама манфаатли ҳисобланади. Биринчидан амалиётга янги ишланмалар жорий қилиниб, инновацион жараёнлар амалга оширилса, иккинчидан илмий-тадқиқот билан шуғулланадиган ходимлар ҳам рағбатлантирилмоқда. Хуллас, ҳозир инсон ресурсларини такомиллаштириш эвазига тараққиётнинг муҳим омилларидан бири бўлган рақамли илм-фан инфратузилмаси яратилмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги ислохотлардан бири илмий эркинлик ва шаффоқлик масаласининг илгари сурилаётганлиги билан ҳам боғлиқдир. Бу бевосита илмий изланишларда эркин фикрлаш, диссертация ва бошқа илмий тадқиқотларда очиқликнинг ҳукм суриши, илмий фаолиятни баҳолашда халқаро мезонларга таяниш масаласининг жорий қилиниши билан боғлиқдир. Чунки барча иқтисодий-ижтимоий жараёнлар сингари илм-фан ва таълимда ҳам интеграциялашиш бугунги кунда объектив заруриятга айланиб улгурди.

Таълим ва тарбиянинг натижадорлиги инсон ресурсларини қандай шакллантирилаётганлиги билан изоҳланади. Шу туфайли илмга қизиққан ёшларни эрта аниқлаш, уларда мактабдаёқ тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш масаласига ҳам аҳамият берилмоқда. Ёшларни илм-фанга қизиқтириш учун ҳозирги пайтда олимлик касбининг жамиятдаги нуфузини оширишга киришилди. Бу масалани янада жадаллаштириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Ижодкор, янгиликларни яратувчи олимларнинг кўпайиши том маънода Янги Ўзбекистоннинг мулки ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Янги Ўзбекистонда илм-фан жамият тараққиётининг драйвери, иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошликнинг асосий омили бўлган инсон ресурсларининг ҳам такомиллашувида муҳим роль ўйнамоқда. Инсон ресурсларининг жамият тараққиётидаги роли ҳал қилувчи ва стратегик аҳамиятга эга. Чунки замонавий тараққиётнинг асосий манбаи табиий бойликлар эмас, балки инсоннинг билими, салоҳияти ва ижодкорлиги натижасида яратилаётган инновацион технологиялар ҳисобланади.

Инсон ресурсларининг асосий ролларидан бири – унинг иқтисодий тараққиётнинг асоси омили эканлиги билан характерлидир. Инсон ресурсларининг такомиллашуви биринчи галда инновация ва янги технологияларни яратганлиги туфайли меҳнат унумдорлигини оширади ва ниҳоят, иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлайди. Бундай салоҳиятли, билимли ва малакали кадрлар мавжуд жамиятда мамлакатнинг ЯИМ тезроқ ўсади ва шу орқали рақобатбардошлик таъминланиш билан бирга камбағаллик ҳам қисқариб боради.

Илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришда юқори даражага эга бўлган инсон ресурсларининг роли катта. Бу олимларнинг илмий кашфиётлари орқали рақамли иқтисодиётни шакллантиради, турли стартаплар ва янги бизнес моделларини вужудга келтиради. Инсон ресурсларининг бевосита маҳсули инновация бўлиб, бу ижтимоий тараққиётнинг ҳам барқарорлигини таъминлаш орқали ҳаёт сифатини ҳам ошириб боради. Шу тариқа инсон ресурслари ривожланган жамият шаклланади. Бундай жамиятда таълим ва

тиббиёт сифати юқори бўлади, камбағаллик камаяди, ижтимоий адолат ва тенглик мустаҳкамланади. Натижада Давлат бошқаруви ва институционал ривожланиш таъминланади. Бундай шароитда салоҳиятли инсонлар шаклланиб, бевосита самарали давлат бошқарувини таъминлайди, коррупцияни камайтиради ҳамда қонун устуворлигини мустаҳкамлайди.

Инсон ресурсларининг ривожланиши миллат рақобатбардошлигини оширади, жаҳон миқёсида давлатлар ўртасида бўладиган мусобақа табиий ресурсларнинг даражаси билан эмас, балка инсон ресурслари даражаси билан ўлчанади. Бунда рақобатлашиш айниқса ҳозирги замонда муҳим бўлиб бормоқда. Чунки, барча инновацион технологиялар, сунъий интеллект кабилар инсон ресурслари орқали яратилмоқда.

Инсон ресурсларини Ўзбекистон мисолида таҳлил қилинадиган бўлса, биринчи галда унинг тушунчасига аҳамият беришни тақозо қилади. Иқтисодий адабиётларда инсон ресурслари тушунчасига кўплаб таърифлар келтирилган. Буларни мунозара қилмасдан, унинг мазмунига қисқача изоҳ бердик. **Инсон ресурслари деганда, инсоннинг билими, касбий малакаси, соғлиғи, тажрибаси, ижодий ва маънавий салоҳияти каби жиҳатларининг йиғиндиси тушунилади.** Замонавий тараққиёт шароитида бу иқтисодий ўсишнинг асосий омили ҳисобланади. Шу туфайли қайси мамлакат рақобатбардош бўлишни, аҳолисининг фаровон яшашини хоҳласи, биринчи галда инсон ресурсларининг такомиллашуви катта аҳамият беришлари лозим.

Ўзбекистонда инсон ресурслари ривожланишининг умумий ҳолати бир мунча ўзига хос томонлари мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи ёшлардан иборат, бу эса инсон ресурсларининг ривожланиши учун катта демографик имконият ҳисобланади. Сўнгги йилларда “Инсон қадрлари учун” тамойили давлат сиёсатининг марказий ва муҳим масалаларидан бирига айланди. Инсон қадрини қадрлаш учун, унинг қадрини кўтариш керак бўлади. Бу албатта унга эътиборни талаб қилади. Мазкур эътибор бир қанча йўналишлардан иборат. Булар:

Биринчидан, инсон ресурсларининг такомиллашувида **таълим соҳасида** ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ҳозирги пайтда мактабгача таълим қамрови сезиларли ошди, олий таълим муассасалари сони кўпайди, хусусий ва хорижий университетлар фаолияти йўлга қўйилди, ёшларни хорижда ўқитиш дастурлари кенгайтирилди, олий таълимга қамров ҳам кўпайди. Шу билан бирга айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, таълим сифати ҳудудлар бўйича бир хил даражада эмас, назария ва амалиёт уйғунлиги етарли даражада йўлга қўйилмаган, кадрлар тайёрлаш ҳам бозор талабига тўлиқ мос эмас.

Ҳозирги глобал иқтисодиёт шароитида ҳар бир мамлакатнинг рақобатга чидамли бўлиши учун малакали касб эгалари ва мутахассислар бошқарадиган замонавий технологиялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканиги – бу ҳақиқат. Шу туфайли 2025–2030 йилларда таълим соҳасида касбий ва олий таълим тизими сифатини оширишга кенг эътибор қаратилиши қайд этилди. Муҳтарам Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “таълим ва тиббиётда – сифатни янги босқичга олиб чиқадиган илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш учун янги технологияларни олиб кирсак, кадрларни илм-фан ва инновацияларга асосланган замонавий касбларга тайёрласак, келгуси беш йилда иқтисодиётимиз ҳажмини 240 миллиард доллардан оширишга барча имкониятларимиз бор”¹, деб таъкидлади.

Таълимни ривожлантириш борасидаги таҳлилий хулосаларнинг кўрсатишича, мазкур соҳадаги асосий муаммолар бевосита таълим сифати ва натижадорлигининг пастлиги, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида узилишларнинг мавжудлиги, Инсон ресурсларига қўйилган инвестициялар самарадорлигининг пастлиги, малакали кадрларнинг хорижий мамлакатларга “оқиб кетиши” масаласининг мавжудлиги.

Эндиликда таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш учун ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиб, уларни такомиллаштириш лозим. Шу асосда ахборот технологияларини яхши биладиган, ўз қарашларини инновация ҳамда тадқиқотга йўналтиришга устуворлик берадиган, IT ва сунъий интеллектга оид касблар бўйича малакали кадрларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2025 йил 26 декабрь.// “Zarafshon” газетаси. 25 йил 27 декабрь. – 147-148 сон.

тайёрлашга қаратилган масалалар устувор ва долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Иккинчидан, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам инсон ресурсларининг такомиллашуви учун бир қатор ишлар қилинмоқда. Хусусан, бирламчи тиббий ёрдам ислоҳ қилинмоқда, қишлоқ врачлик пунктлари модернизация қилиниб, янги тиббий технологиялар билан таъминланиш масаласи ҳам жадаллик билан амалга оширилмоқда, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва унга амал қилиш ҳам кучайди. Бундай ижобий жиҳатлар билан бирга мазкур соҳада ҳам айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Буларга малакали тиббий кадрларнинг ҳамон барча ҳудудларда етарли эмаслиги, аҳоли ўртасида профилактикага эътиборнинг сустлиги, айрим ҳудудларда тиббий хизматнинг сифати ҳамон пастлиги, касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш лозимлиги билан боғлиқ тамойилларнинг ҳамма жойда кенг жорий қилинмаганлиги каби ҳолатларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Инсон саломатлигининг бардавомлигида сувнинг роли жуда катта экан. Чунки сув одамнинг иммунитетини яхшилаб, соғломлаштиришдек фазилатга эга экан. Маълумки, инсон танасининг 70-80 %и сувдан иборат экан. Шу туфайли ушбу неъмат инсон ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Буларни инобатга олиб, одамнинг сочидан озгина олиб, сканер қилиб, 100 дан ортик Д.Менделевни микро ва макроэлементларини етишмаслигини аниқлаб, шунга қараб, минерал сувларни таркибини ўрганиб, сув танлаш керак бўлади.

Ҳар бир инсон ресурслари учун соғлом умр кўриш ва самарали меҳнат қилиш қобилиятини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда мамлакатимизда умр кўриш муддатларининг мунтазам ошиб бориши билан биргаликда соғлиқ кўрсаткичларининг ҳам яхшиланиши кузатилмоқда. Ушбу масалани 2030 йилгача янада кучайтириш бўйича прогноз қилинмоқда. Чунки, сифатли таълим ва соғлом ҳаёт тарзи инсон ресурсларининг сифатини оширишга хизмат қилади, бу эса узоқ муддатли ижтимоий ва иқтисодий самарани кучайтириш имкониятини яратади.

Ҳар бир инсон ресурслари учун соғлом умр кўриш ва самарали меҳнат қилиш қобилиятини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда мамлакатимизда умр кўриш муддатларининг мунтазам ошиб бориши билан биргаликда соғлиқ кўрсаткичларининг ҳам яхшиланиши кузатилмоқда. Ушбу масалани 2030 йилгача янада кучайтириш бўйича прогноз қилинмоқда. Чунки, сифатли таълим ва соғлом ҳаёт тарзи инсон ресурсларининг сифатини оширишга хизмат қилади, бу эса узоқ муддатли ижтимоий ва иқтисодий самарани кучайтириш имкониятини яратади.

Ҳозирги вақтда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга янги технологияларнинг жорий қилиниши, уларни рақамлаштириш ва сунъий интеллект таъсирида дунёда иш ўринларининг сони, шакли ва мазмуни кескин ўзгармоқда. Буларни инобатга олиб, мамлакатимизда ҳам “Яқин беш йилда мавжуд касбларнинг 30 фоизи тўлиқ автоматлаштирилади, 50 фоизи бўйича эса янги малакалар талаб қилинади. Бу жараёнлар бизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Саноатда – автоматлашган линиялар, аграр соҳада – ақлли технологиялар, транспортда – интеллектуал бошқарув кундалик ҳодисага айланиб бормоқда. Энди мамлакатимизнинг меҳнат бозори мутлақо янги архитектура асосида – касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирадиган ягона механизм сифатида ишлаши зарур”¹ бўлаётганлиги қайд этилди.

Учинчидан, инсон ресурслари билан меҳнат бозори ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш. Ҳозирги вақтда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга янги технологияларнинг жорий қилиниши, уларни рақамлаштириш ва сунъий интеллект таъсирида дунёда иш ўринларининг сони, шакли ва мазмуни кескин ўзгармоқда. Буларни инобатга олиб, мамлакатимизда ҳам “Яқин беш йилда мавжуд касбларнинг 30 фоизи тўлиқ автоматлаштирилади, 50 фоизи бўйича эса янги малакалар талаб қилинади. Бу жараёнлар бизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Саноатда – автоматлашган линиялар, аграр соҳада – ақлли технологиялар, транспортда – интеллектуал бошқарув кундалик ҳодисага айланиб бормоқда. Энди мамлакатимизнинг меҳнат бозори мутлақо янги архитектура асосида –

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2025 йил 26 декабрь.// “Zarafshon” газетаси.25 йил 27 декабрь. – 147-148 сон.

касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирадиган ягона механизм сифатида ишлаши зарур”¹ бўлаётганлиги қайд этилди.

Инсон ресурслари билан меҳнат бозори ўртасидаги мувозанатларни тўғри шакллантириш учун мамлакатимизда бир қанча ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Яқинда “Ишга марҳамат” мономарказлар ташкил қилинди, касбий таълимни модернизация қилиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди, стартап ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жараёнлари ҳам жорий қилинди. Бундай кенг қўламли ислохотлар билан бирга айрим муаммолар ҳам ҳамон ўз ечимини кутмоқда. Ҳозирги кунда ёшлар ишсизлиги асосий муаммолардан бири сифатида тўлиқ ҳал қилинган эмас, касб-ҳунар таълими етарлича самарали бўлмапти, меҳнат миграцияси натижасида инсон ресурслари чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда ва ҳ.к. Буларни ҳам ўнглаш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриломоқда.

Меҳнат бозорининг моҳияти бевосита ишчи кучи (меҳнат таклифи) билан иш берувчиларнинг иш ўринларига бўлган эҳтиёжи (меҳнат талаби) ҳамда меҳнат нархи (иш ҳақи) шаклланадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қамраб олади. Бунда меҳнат бозорининг субъектлари ва объекти иштирок этади.

Меҳнат бозорининг субъектларига ишчи кучи эгалари (ходимлар, иш изловчилар), иш берувчилар (корхона, ташкилотлар, давлат) ва Давлат (меҳнат қонунчилиги, бандлик сиёсати орқали) киради. Объектига эса, инсон ресурси, меҳнат қобилияти киради. Буларни тартибга солувчи асосий механизмларга меҳнатга талаб ва таклиф, иш ҳақи (меҳнатнинг баҳоси), бандлик ва ишсизлик даражаси киради.

Қайд этиш жоизки, ҳозирги шароитда меҳнат бозорининг вазифалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буларга тақсимловчи, рағбатлантирувчи, ахборот берувчи, ижтимоий ҳимоя каби механизмлар киради. Тақсимловчи босқичида меҳнат ресурсларини соҳалар ва ҳудудлар бўйича тақсимлайди, рағбатлантирувчи босқичда иш ҳақи орқали самарадорликни оширади, ахборот берувчи босқичда эса қайси касбларга талаб юқори ёки паст эканини кўрсатади, ижтимоий ҳимоя босқичида меҳнат ҳуқуқлари ва қафолатларни таъминлайди. Бунда меҳнат бозорининг барча турлари иштирок этади. Буларга ички ва ташқи меҳнат бозори, расмий ва норасмий меҳнат бозори, миллий, ҳудудий ва халқаро меҳнат бозорлари киради.

Кўриниб турибдики, меҳнат бозори жамиятда бандликни таъминлаш, инсон капиталини ривожлантириш ва иқтисодий ўсиш учун муҳим институт ҳисобланади. Шу йўл билан меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, инновация ва рақамли иқтисодиётга мос инсон ресурсларини шакллантириш масаласи ҳам бугунги кунда ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун IT Park ва стартап экотизими шаклланди, ёшлар орасида дастурлашга қизиқиш ортмоқда ва шу йўналишда катта ишлар олиб борилмоқда. Аммо илмий тадқиқотлар ва унга қилинадиган харажатлари ҳали паст.

Инновация ва рақамли иқтисодиёт шароитида Инсон ресурслари анъанавий билим билан чекланиб қолмасдан, юқори даражада мослашувчан, ижодкор ва рақамли кўникмаларга эга бўлган инсон бўлиши керак. Инновацион иқтисодиёт учун Инсон ресурслари математика, ахборот технологиялари, муҳандислик, табиий фанларни ҳам билишлари лозим, Бундай кадрларда иқтисодий ва молиявий саводхонлик ҳам етарли бўлиши керак. Шунингдек, замонавий кадрлар менежмент ва лойиҳа бошқаруви асосларини, турли тилларни билишлари лозим. Айниқса халқаро рақамли муҳит учун инглиз тилини ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Замонавий Инсон ресурслари рақамли кўникмаларга эга бўлиб, компьютер ва интернетдан самарали фойдаланиш, маълумотлар таҳлилини шу технологиялар асосида амалга ошириш, сунъий интеллект, блокчейн, булутли технологиялар ҳақида тушунчаларга эга бўлиш, киберхавфсизлик маданиятини билиш, онлайн платформалар ва рақамли сервислар билан ишлаш кўникмасига ҳам эга бўлишни тақозо қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2025 йил 26 декабрь.// “Zarafshon” газетаси. 25 йил 27 декабрь. – 147-148 сон.

Шунингдек, замонавий Инсон ресурслари инновацион фикрлаш ва ижодкорлик фазилатларига ҳам эга бўлишлари лозим. Бундай Инсон ресурслари янги фикрлай оладиган, муаммоларга инновацион ечим топа оладиган, тадқиқот ва тажрибага мойил бўлган, стартаплар ва янги бизнес моделларини ярата оладиган бўлиши зарур. Бундай инновация муҳитда инсон тез мослашувчан, танқидий фикрлайдиган, жамоада ишлаш оладиган, коммуникация ва лидерлик қобилиятига эга, масъулиятли ва ташаббускор бўлиши лозим. Бундай ижтимоий ва шахсий сифатларга эга Инсон ресурслари рақамли иқтисодиёт шароитига мос бўлиши, инсон доимий равишда ўз билим ва кўникмаларини янгилаб бориши, онлайн курслар, қайта тайёрлаш дастурларига доимий иштирок этиб, янгиликларни билишлари, амалий кўникмаларга асосланган таълимни эгаллашлари муҳим аҳамиятга эга. Узлуксиз такомиллаштишни хоҳлаган инсон узлуксиз таълим билан узлуксиз шуғулланиб боришини тақозо қилади.

Инновацион жамиятда инсон ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятга ҳам эга бўлиши лозим. Бундай шахслар ахборотдан масъулият билан фойдаланиши, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулкни ҳурмат қилиши, коррупцияга қарши иммунитетга эга бўлиши, касбий этикага амал қилиши ҳам лозим бўлади. Хуллас, инновация ва рақамли иқтисодиётга мос замонавий Инсон ресурслари (ЗИК) бир қанча фазилатларга эга бўлиши лозим. Буни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин.

$$\text{ЗИК} = \text{Б} + \text{Рс} + \text{И} + \text{Аб} + \text{Уў};$$

Бунда ЗИК – замонавий Инсон ресурслари;

Б – билимли;

Рс - рақамли саводхонлик;

И – ижодкорлик;

Аб - ахлоқий баркамол;

Уў - узлуксиз ўрганувчи шахс.

Бешинчидан, инсон ресурсларини такомиллаштириш орқали ижтимоий тараққиётга эришиш масаласи ҳам “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган масалалардан бири. Бунга эришишнинг муҳим йўналишларидан бири камбағалликни қисқартириш эвазига ўрта синфни шакллантиришга қаратилган. Чунки Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш сиёсати айнан Инсон ресурсларини ривожлантиришга қаратилган. Етарли даражадаги Инсон ресурслари фуқаролик жамиятини мустақамлашга ҳам хизмат қилади. Бу эса жамиятнинг нафақат ижтимоий, балки иқтисодий ривожланишини ҳам таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Ижтимоий тараққиёт жамият ҳаётининг барча соҳаларида сифат жиҳатдан юксалиш, инсоннинг турмуш даражаси ва камолотини таъминлашга қаратилган узлуксиз, қонуний ва мақсадли ривожланиш жараёни сифатида жамиятнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Чунки ижтимоий тараққиёт, бу бевосита ижтимоий муносабатларнинг такомиллашувини, жамият аъзолари ўртасидаги ҳамкорлик ва адолатнинг мустақамланишини, инсон манфаатларининг устуворлигини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Ижтимоий тараққиётнинг асосий моҳияти инсон фаровонлигида намоён бўлади. Бу аҳолининг ҳаёт сифати яхшиланиши, аҳоли даромадларининг ўсиши, камбағаллик ва ижтимоий тенгсизликнинг қисқаришини кабиларни ўз ичига олади. Бунга эришишнинг муҳим йўлларида бири ижтимоий адолатни қўлга киритишдир. Бунга ҳуқуқ ва имкониятларда тенгликни таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимининг ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш орқали эришилади.

Ижтимоий тараққиётга эришишнинг йўлларида бири ҳам таълим-тарбия ва маърифатни юксалтиришга қаратилган. Бунинг учун ҳам сифатли таълимга кенг имкониятлар очиб берилиши, илм-фан ва инновациянинг ривожланишига эришиши Инсон ресурслари салоҳиятининг оширилишини тақозо қилади. Ушбу омиллар таркибда соғлиқни сақлаш масаласи ҳам муҳим йўналишлардан биридир. Бунинг учун ҳам замонавий тиббий хизматларни, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш имкониятларини, умрнинг давомийлигини ошириш лозим бўлади.

Ижтимоий тараққиёт таркибида маънавий-маърифий ривожланиш, хусусан, миллий кадрятлар ва умуминсоний кадрятлар уйғунлигини, ахлоқ, маданият ва маънавият юксалишини таъминлаш масаласи ҳам устувор вазифалардан биридир. Бунга эришиш учун ҳам ижтимоий тараққиёт омилларига, хусусан, иқтисодий ўсиш ва барқарорликнинг таъминланишига, самарали давлат сиёсатини юритишга, инсон ресурслари сифатини мунтазам равишда ошириб боришга, илм-фан ва инновация ҳамда фуқаролик жамияти институтлари имкониятларидан самарали фойдаланишни тақозо қилади.

Ижтимоий тараққиётнинг замонавий хусусиятларини, хусусан жараёнларнинг рақамлашуви ва инновацияларга таянади. Бунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини устувор ҳисоблаган ҳолда барқарор тараққиёт тамойилларига асосланади. Шу йўл билан жамиятда ижтимоий масъулиятни кучайтиради. Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий тараққиёт инсон манфаатларига хизмат қилувчи, адолатли, билимли, соғлом ва маънавий баркамол жамиятни шакллантиришдан иборатдир.

Олтинчидан, инсон ресурсларининг ривожланишида маънавий ва маданий тараққиётнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Етук Инсон ресурслари миллат маънавиятининг, унинг ахлоқи, онгининг миллий кадрятларни асраш ва ривожлантиришга хизмат қиладиган даражада бўлади.

Инсоннинг маънавий-маърифий ривожланиши инсон ва жамиятнинг маънавий кадрятлари, ахлоқи, билим ва тафаккур жиҳатидан юксалиши, шахснинг онги, дунё-қараши ва маданиятининг изчил равишда такомиллашиб бориш жараёни тушунилади.

Маънавий-маърифий ривожланишнинг моҳияти шундаки, бу орқали ривожланиш инсоннинг ички дунёсини бойитади, унинг ахлоқий қарашларини шакллантиради, илм ва маърифатни кучайтириш натижасида жамият тараққиётига хизмат қилади. Маънавий-маърифий ривожланишнинг асосий таркибий қисмларига эътиборни қаратадиган бўлсак, биринчи ўринда **маънавият** туради. Бу инсоннинг иймон-эътиқоди, виждон, инсофлилиги, ҳалоллиги, ватанпарварлиги, инсонпарварлиги, миллий ва умуминсоний кадрятларга ҳурматни ўзида ифода этади. Ушбу таркибди **маърифат** ҳам мавжуд. Бу ўз ичига илм ва билимга интилишни, таълим ва тарбиянинг уйғунлигини таъминлашни, инсоннинг ақлий салоҳияти ва тафаккурининг ривожини, танқидий ва мустақил фикрлаш жараёнларини камраб олади.

Шу жиҳатдан, маънавий-маърифий ривожланишнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳам катта. Бу бевосита баркамол авлодни тарбиялашда, ижтимоий барқарорликни таъминлашда, илм-фан ва инновацияга замин яратишда, ёт ғояларга қарши маънавий иммунитетни шакллантирда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бугунги замонавий рақамли муҳитда ҳам маънавий-маърифий ривожланиш ахборотлардан фойдаланиш маданиятини ошириш, ёшларни соғлом тафаккур асосида тарбиялаш, илм-фан ва маънавият уйғунлигини таъминлаш, миллий кадрятларни замонавий тараққиёт билан боғлашга хизмат қилади.

Қисқача қилиб айтганда, маънавий-маърифий ривожланиш инсоннинг ахлоқий поклиги, билимлилиги ва тафаккур юксаклиги орқали жамият тараққиётини таъминловчи асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон келажаги инсон ресурслари ва ундан самарали фойдаланиш билан боғлиқ. Табиий ресурслар чекланган, аммо билимли, соғлом ва ижодкор инсонлар — чекланмас бойликдир. Шу туфайли фақат инсон ресурсларини ривожлантириш орқали Ўзбекистон рақобатбардош, инновацион ва адолатли жамиятга айланиши мумкин. Инсон ресурслари жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи. Шу туфайли уни ривожлантирмасдан туриб иқтисодийетни ҳам, сиёсатни ҳам, маданиятни ҳам тўлақонли тараққий эттириб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, 2025–2030 йилларда Ўзбекистон учун инсон ресурслари жиҳатидан муҳим босқич бўлади. Демографик салоҳият, меҳнат бозорида ўсиш рўй беради, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларининг ривожланиши содир этилади. Пировардида буларнинг барчаси инсон ресурсларини мавжуд имкониятларга айлантириши мумкин.

Юқорида келтирилган натижаларни амалга ошириш учун қуйидагиларга алоҳида аҳамият бериш лозимлигини тавсия қиламиз:

Биринчидан, таълим ва касбга тайёрлаш тизимларини бугунги инновацион ривожланишга мослашган бозор талабига мослаштирган ҳолда ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, малакали кадрлар учун иш жойларини ташкил қилиш имкониятларини яратиш лозим. Чунки замон талаби интеллектуал салоҳиятли ходимларни талаб қилмоқда. Аммо булар бир томондан тўлиқ етишмаётган бўлса, иккинчи томондан мавжудлари ҳам тўлиқ иш билан таъминланиш имконияти ҳам етарли эмас.

Учинчидан, меҳнат миграцияси ва ишсизликни камайитириш сиёсатларини мувофиқлаштириш зарур. Бу бўйича қилинаётган ишларни барча ҳудудларда бир маромда олиб боришни таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўртинчидан, юқоридаги йўналишларни амалга ошириш учун яна бир стратегик таклифларимиз, таълим сифатини эмпирик натижага боғлаш, илм-фан, бизнес ва давлат ҳамкорлигини кучайтириш, ёшлар салоҳиятини ҳудудларни ривожлантиришга йўналтириш ва ҳар бир ҳудудда салоҳиятли ёшларни тарбиялаб етиштириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ҳар бир ходимнинг салоҳиятига баҳо бериш учун **инсон ресурслари индексига** асосланган баҳолаш тизимини жорий этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2025 йил 26 декабрь.// “Zarafshon” газетаси.25 йил 27 декабрь. – 147-148 сон.
2. M.Q.Pardayev, S.A.Babanazarova, O.M. Pardayeva. Mehnat bozori transformatsiyasi. (O‘quv qo‘llanma). – T.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2025, 328 b.
3. Параев М.Қ., Бабаназарова С.А., Пардаева И.М. Меҳнат бозори трансформацияси фани назарияси. Услубий қўлланма. Самарқанд, СамИСИ, 2025 – 52 бет.
4. Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Бекруз Шарафитдин ўғли Усманов. Инновацион ёндошувлар орқали инсон ресурсларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари. // “Сервис” илмий-амалий журнал. 2024 йил 4/1-сон. – 17-22 бетлар.
5. M.Q.Pardaev, O.M.Pardaeva, S.A.Babanazarova. Inson resurslari analitikasi (tahlili) fanning predmeti va obyekt bo‘yicha mulohazalar.// Журнал: “Человеческий капитал и социальное развитие”. (“Inson kapitali va ijtimoiy rivojlanish jurnali”). 2025 йил 13-жилд. 1-сон. – 66-70 бетлар.
6. https://www.statista.com/outlook/co/socioeconomic-indicators/uzbekistan?utm_source=chatgpt.com. "Socioeconomic Indicators - Uzbekistan | Market Forecast"
7. https://www.ifs.du.edu/IFs/frm_CountryProfile/UZ/FEMSHRLAB?utm_source=chatgpt.com "Key Development Forecasts for Uzbekistan"
8. https://www.kun.uz/en/news/2024/10/19/uzbekistan-plans-to-halve-poverty-by-the-end-of-2025-through-economic-growth-and-human-capital-investment?utm_source=chatgpt.com. "Uzbekistan plans to halve poverty by the end of 2025 through economic growth and human capital investment"
9. https://one.uz/en/news/uzbekistan/18744-the-labor-force-is-increasing-in-uzbekistan-s-labor-market.html?utm_source=chatgpt.com. "The labor force is increasing in Uzbekistan's labor market - One.uz, 23.08.2025".
10. https://www.uzdaily.uz/uzc/bmt-2025-yilda-o%CA%BBzbekiston-yaim-59-ga-o%CA%BBsadi/?utm_source=chatgpt.com. "БМТ: 2025 йилда Ўзбекистон ЯИМ 5,9% га ўсади — UzDaily.uz"
11. https://www.uzdaily.uz/uzc/markaziy-bank-2026-yilda-real-yaim-o%CA%BBsishi-5565-foizni-tashkil-qilishi-prognoz-qilinmoqda/?utm_source=chatgpt.com. "Марказий банк: 2026 йилда реал ЯИМ ўсиши 5,5–6,5 фоизни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда — UzDaily.uz".

<p>М.Пардаев, О.Пардаева Богатство Нового Узбекистана измеряется человеческими ресурсами</p>	<p>M.Pardaev, O.Pardaeva The wealth of the New Uzbekistan is measured by human resources</p>
<p>Аннотация. В статье рассматриваются вопросы, связанные с богатством Нового Узбекистана – его измерением посредством человеческих ресурсов. Дается определение человеческих ресурсов. Оно основано на том, что для оценки человеческой ценности необходимо повышать ее. Для этого предлагаются шесть направлений. К ним относятся образование, здравоохранение, обеспечение соответствия человеческих ресурсов рынку труда, формирование человеческих ресурсов, пригодных для инноваций и цифровой экономики, достижение социального развития посредством совершенствования человеческих ресурсов, а также роль духовно-культурного развития в развитии человеческих ресурсов. Также приводятся научные рекомендации, разработанные по результатам исследования.</p> <p>Ключевые слова: человек, человеческие ресурсы, образование, здравоохранение, рынок труда, инновации и цифровая экономика, социальное развитие, духовно-культурное развитие, высшие учебные заведения, наука, инновационные проекты.</p>	<p>Abstract. This article examines issues related to the wealth of the New Uzbekistan, as measured by human resources. A definition of human resources is provided, based on the premise that human value must be enhanced to assess it. Six areas are proposed for this purpose. These include education, healthcare, ensuring that human resources are aligned with the labor market, developing human resources suitable for innovation and the digital economy, achieving social development through improving human resources, and the role of spiritual and cultural development in human resource development. Research recommendations based on the research findings are also provided.</p> <p>Keywords: people, human resources, education, healthcare, labor market, innovation and the digital economy, social development, spiritual and cultural development, higher education institutions, science, and innovative projects.</p>

Сарвар Аюбовна Исхакова – СамИСИ доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мақолада иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришлари ва рақамлаштириш шароитида хизматлар соҳасини модернизация қилиш ва диверсификациялашнинг асосий йўналишлари ёритилган. Хизматлар соҳасининг иқтисодий ўсиш, рақобатбардошликни ошириш ва аҳоли турмуш сифати яхшилашдаги роли асослаб берилган. Модернизациянинг назарий асослари, диверсификациянинг моҳияти ҳамда уларнинг инновацион ривожланиш ва рақамли трансформация билан боғлиқлиги очиб берилган. Таълим, молия, туризм ва ижтимоий хизматлар каби устувор сегментлар таҳлил қилиниб, хизматлар турини кенгайтириш ва сифатини оширишга қаратилган самарали давлат сиёсати бўйича амалий тавсиялар таклиф этилган.

Калит сўзлар: хизматлар соҳаси, модернизация, диверсификация, рақамли трансформация, сервис иқтисодиёти, сервисга йўналтирилган ривожланиш модели, инновацион хизматлар.

Кириш. XXI асрда хизмат кўрсатиш соҳаси миллий иқтисодиётларнинг етакчи секторига айланди. У ялпи ички маҳсулот, бандлик ва аҳоли турмуш даражасидаги ўзгаришларнинг асосий тенденцияларини белгилайди. Глобаллашув, рақамлаштириш ва билимлар иқтисодиётига ўтиш шароитида хизматлар кўшимча қиймат яратишнинг, инновациялар ва рақобатбардош устунликларнинг асосий манбаига айланиб бормоқда.

Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра, аксарият ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳаси ЯИМнинг 50-70% дан ортигини ташкил қилади ва унинг ўсиш суръати саноат ва кишлоқ хўжалиги тармоқларидан юқори. Бу ҳолат хизмат кўрсатишга йўналтирилган ривожланиш моделига ўтишни акс эттиради, бунда хизматлар барқарор иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси учун бу тенденциялар, айниқса, кенг қўламли таркибий ислохотларнинг амалга оширилиши, иқтисодий либерализация ва глобал бозорларга фаол интеграциялашувни амалга ошириш шароитида, айниқса муҳимдир. Жаҳон банки

ISSN 2091-5187

☞ “SERVIS” ☞

Jurnal Samarqand iqtisodiyot va servis instituti tahririyat
bo‘limida nashrga tayyorlandi.

06.03.2026 yilda terishga berildi. 19.03.2026 yilda bosishga ruxsat etildi. Ofset
bosma qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84_{1/8}. “Times” garniturasini. Ofset bosma usuli.
Shartli bosma tabog‘i 15,4. Hisob-nashriyot
tabog‘i 14,37. Adadi 100 nusxa. Buyurtma № 0031A/26

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining
matbaa bo‘limida chop etildi.
Litsenziya № 025316.
Reestr № X-119112.

Manzil: Samarqand shahri, Shoxruh ko‘chasi, 60-uy.

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2026.